

4/2022,
iyul-avgust
(№ 00060)



БАНК ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ходжимамедов Акмал Ашурович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти. Самарқанд, Ўзбекистон. khodjimamedov@rambler.ru

ORCID: 0000-0002-0876-6671

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a2

Аннотация

Жахон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида, банк секторида кучли рақобат муҳити ҳукм сурмоқда. Бундай рақобат шароитида янги маҳсулот ва хизматларни ахборот технологиялари ютуқларини жорий қилган ҳолда бизнес моделларини мувафаққиятли амалга ошириш бозорнинг тегишли сегментларини забт этиш ва сақлаб қолиш гаровидир. Шунинг учун ҳам, ресурс салоҳиятини бошқаришни оптималлаштириш, мижозлар эҳтиёжини қондириш, шунингдек, замон талабларига муносиб жавоб бериш учун хизматларни ривожлантириш ва техник такомиллаштиришга қаратилган инновацион стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш банклар самарали фаолиятининг энг муҳим йўналишидир. Мақолада банк инновацияларини ривожлантиришнинг асосий векторлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар. Банк, банк сектори, банк инновациялари, ривожланиш, вектор, ахборот технологиялари, банк хизматлари, рақобат.

Аннотация

В условиях глобализации мировой экономики в банковском секторе сложилась сильная конкурентная среда. В такой конкурентной среде успешное внедрение бизнес-моделей с внедрением новых продуктов и услуг с развитием информационных технологий является ключом к завоеванию и удержанию соответствующих сегментов рынка. Поэтому разработка и реализация инновационной стратегии, направленной на оптимизацию управления ресурсным потенциалом, удовлетворенность клиентов, а также развитие и техническое совершенствование услуг с целью адекватного реагирования на требования времени, является важнейшим направлением развития эффективная деятельность банков. В статье рассмотрены основные векторы развития банковских инноваций.

Ключевые слова. Банк, банковский сектор, банковские инновации, развитие, вектор, информационные технологии, банковские услуги, конкуренция.

Abstract

In the conditions of globalization of the world economy, a strong competitive environment prevails in the banking sector. In such a competitive environment, the successful implementation of business models with the introduction of new products and services with the advancement of information technology is the key to conquering and maintaining the relevant market segments. Therefore, the development and implementation of an innovative strategy aimed at the optimization of resource potential management, customer satisfaction, as well as the development and technical improvement of services in order to adequately respond to the requirements of the times is the

most important direction of the effective activity of banks. The main vectors of development of bank innovations are considered in the article.

Keywords. Bank, banking sector, banking innovations, development, vector, information technologies, banking services, competition.

Кириш

Бугунги кунда банк секторида кучайиб бораётган рақобат шароитида, янги хизматлар ва технологияларни тизимли равишда жорий қилиш орқали бизнес моделларини мувафақиятли амалга ошириш ҳамда бозорнинг барча сегментларини самарали забт этиш тижорат банклари учун мувафақият гарови ҳисобланади. Айнан шу сабабли, ресурс салоҳиятини бошқаришни оптималлаштириш, мижозларнинг хоҳиш-истакларини қондириш, шунингдек, бозорнинг янги талабларига муносиб жавоб бериш учун хизматларини ривожлантириш ва техник такомиллаштиришга қаратилган тегишли инновацион стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш банклар самарали фаолиятининг зарур шартларидан биридир.

Ҳозирги шароитда ҳар бир давлатнинг замонавий иқтисодий сиёсатининг асосий вазифаларидан бири бу мамлакатнинг инновацион салоҳиятини ошириб боришдан иборат бўлиб, бунда техник жиҳатдан мураккаб маҳсулотларнинг алоҳида намунасини яратиш, ишлаб чиқариш имкониятларини ошириш, инновацион маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш, миллий ва жаҳон бозорларига кириш имконини берадиган замонавий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш талаб этилади. Бундан ташқари, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш самарадорлиги, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар даражаси билан биргаликда инновацияни ташкил этувчи маълум техник, ишлаб чиқариш, ташкилий, маркетинг ва молиявий операциялар мажмуаси давлатнинг бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлари дастурининг ажралмас элементи бўлиб ҳисобланади.

Молия соҳасидаги инновацион жараёнларнинг динамикаси сўнгги йилларда сезиларли даражада ошиб, янги маҳсулотлар ва технологияларни тизимли равишда жорий этиш бизнес моделларини мувафақиятли амалга ошириш ва молия бозорининг сегментларини самарали эгаллаб олинмоқда. Хусусан, бунда тижорат банклари етакчи ўринларни эгаллаб, биринчи навбатда ресурс салоҳиятини бошқаришни оптималлаштириш, мижозларнинг мавжуд эҳтиёжларини янада тўлақонли қондириш, шунингдек, банк хизматларини такомиллаштириб келмоқдалар. Тижорат банклари глобаллашув шароитида иқтисодий ўзгаришларга мувофиқ равишда мижозларнинг янги инновацион хизматларга бўлган талабларини қондиришга ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда, банк тизимини ривожлантириш учун инновацион векторни танлаш, секюритизация ва ахборотлаштириш жараёнларига мутаносиб равишда ривожланиш банклар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Зеро, электрон транзакциялар, банк пластик карталари, замонавий инвестиция дастурлари билан боғлиқ сўнгги ўн йилликдаги янги маҳсулотлар ва технологиялар бутун банк фаолиятини тубдан ўзгартиришга туртки бўлди. Шу вақтгача бундай инновацион ҳолатлар фақатгина IT соҳасида кузатилар эди. Бундан ташқари, молия бозорида банклар ва нобанк молия-кредит ташкилотлари ўртасида рақобат кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида тижорат банклари томонидан нафақат мижозларга таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматларни

доимий равишда кенгайтириш ва такомиллаштиришга, балки банк фаолияти самарадорлигини ошириш учун бошқарув ва ишлаб чиқариш тизимларини қайта кўриб чиқиб, керак бўлса уларни тўздан ўзгартиришга мажбур қилади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, банк секторидаги инновацион жараёнларнинг асосий жиҳатларини кўриб чиқиш ва тизимлаштириш, давлат томонидан ички иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион стратегиясини амалга оширишни назарий асослашни ажралмас таркибий қисми сифатида қаралиши лозим. Тижорат банкларининг инновацион хизматларни жорий қилиш борасидаги самарали фаолияти натижасида мамлакат иқтисодиётини диверсификациялаш ҳамда рақобатбардошликни таъминлаш имкони пайдо бўлади. Шу боис, банк тизими салоҳиятини ошириш мақсадида инновацион фаолиятни бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, глобаллашув жараёнларининг фаол таъсири натижасида ва жаҳон молия бозорида рақобат кучайиши шароитида илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналиши сифатида қаралиши лозим.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кўпгина маҳаллий ва хорижий иқтисодчиларнинг илмий ишлари иқтисодиётни ривожлантиришда инновацион тамойилларни жорий этиш муаммоларини ўрганишга бағишланган бўлиб, улар орасида хориж олимларидан Ж.Галбрейт [1], П.Друкер [2], К.Скиннер [3], Й.Шумпетерлар [4], МДХ мамлакатлари олимлари орасида И.Балабанов [5], Т.Васильева [6], О.Лаврушинлар [7] ушбу масалани ёритишга катта хисса қўшишган.

Замонавий иқтисодий адабиётларда инновацион банк маҳсулоти кўпинча янги такомиллашган банк хизмати ёки операция кўринишида амалиётга жорий қилинган банкнинг инновацион фаолияти натижаси сифатида қаралади [8 ва 9]. Банк инновацияси ўз ёндашуви билан, одатда, тақдим этилаётган маҳсулотлар, хизматлар, операциялар, бизнес жараёнларини такомиллаштириш ёки яратишдан иборат бўлган банк фаолиятини модернизация қилиш ва мижозлар эҳтиёжини яхшироқ қондиришга қаратилган жараёндир [10].

Умуман олганда, илмий адабиётларда банк инновациялари кенг маънода – алоқа ва интернет технологиялари асосида банк операцияларини амалга оширишнинг тор тушунчасидан тортиб, банк фаолиятининг барча жабҳаларидаги инновацияларгача кўриб чиқилади [11]. Яъни, банк инновацияси, одатда маҳсулот, хизмат ёки технология сифатида талқин қилинади, унинг киритилиши эса банк фаолиятидаги янги сифат ўзгаришларига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, банк тизимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган бўлсак, бизнинг фикримизча, инновацияни илгари тақлиф қилинганидан кўра жозибадор истеъмол хусусиятларига эга бўлган, банкнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиладиган банк маҳсулоти ёки хизматларини яратиш леб таърифлашимиз мумкин.

Мамлакатимиз олимларидан М.Тангишов тадбиркорлар тижорат банклари томонидан тезкор, сифатли, арзон ва хавфсиз тўловларни амалга оширилишни хоҳлашларини инобатга олиб тижорат банклари фаолиятида банк маҳсулотлари ва сифатини оширишда инновацион ёндашув асосида ташкил этишни эътироф этса [12],

Ш.Абдуллаеванинг фикрига кўра, телекоммуникация технологияларининг ривожланиши, интернет тармоғининг кенгайиши, қулай интерфейсга эга рақамли банкингни жорий этиш, электрон банк хизматларини кўрсатишда фойдаланиш банклар ўртасида мижозларни жалб қилиш, уларга электрон банк хизматларини

кўрсатиш соҳасида рақобатнинг шаклланишига асос бўлмоқда деб таъкидлаб ўтган[13].

А.Л.Гулямова эса, жаҳон банк тизими билан республикамиз банкларининг ўзаро интеграцияси кучайишининг ҳозирги босқичи кредит ташкилотларининг мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамли трансформациясини амалга ошириш билан узвий боғлиқлиги, банкларимиз рақамли модели моҳиятини амалиётга татбиқ қилишга алоҳида эътибор беришлари лозимлигини кўрсатади дея таъкидлайди [14]. Тадқиқотчи О.Меликов томонидан банк соҳасида замонавий рақамли ахборот технологиялари ва уларнинг дастурий таъминотларидан фойдаланиш нафақат банк хизматлари бозорида рақобат устунлигини беради, балки, маъмурий харажатларни камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ортиқча вақт сарфини камайтири каби ижобий таъсирлари ҳам мавжудлиги эътироф этилади [15].

Бироқ, шунга қарамай, банк тизими институтларининг самарали фаолият юритиши ва ривожланишини таъминлаш манфаатлари йўлида янги илмий ғоялар ва ихтиролар салоҳиятини шакллантириш ва амалга оширишни таъминловчи омиллар мажмуи билан боғлиқ муаммолар ҳали ҳанузгача ўз ечимини топган эмас. Бундан ташқари, банк соҳасида амалга оширилаётган инновацион жараёнларнинг мураккаблиги ва хилма-хиллиги сабабли уларни самарали ривожлантиришни тегишли инновацион стратегиясини ишлаб чиқмасдан ва изчил амалга оширмасдан туриб, юқорида таъкидлаб ўтилган муаммони ечиб бўлмайди. Бу эса, илмий тадқиқотлар учун долзарб мавзуга айланиши лозим.

Мақоланинг мақсади тижорат банклари фаолияти самарадорлигини таъминлаш ва уларга эришишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланиши лозим бўлган банк тизимини ички бозорда ҳам, глобаллашган жаҳон бозорида ҳам рақобатбардош устунлигини таъминлаш, тизимни сифат жиҳатдан янги инновацион асосда ривожлантиришнинг моҳияти ва асосий йўналишларини тушуниш бўйича назарий қарашларни асослаш ва тизимлаштиришдан иборатдир.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда аналитик таққослаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, гуруҳлаш усуллари ҳамда мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Янгидан-янги банк хизматлари ва технологияларни жорий этишга асосланган банк тизимининг инновацион ривожланишининг **биринчи вектори** бу – бугунги кунда асосий ривожланиш тенденцияси бўлган молиявий глобаллашув жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиб, у ёки бу даражада барча иқтисодиёт субъектларининг ҳатти-ҳаракатларига ва дунёда содир бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга бевосита боғлиқ саналади. Молия бозори глобаллашувининг имманент хусусиятларидан бири бу – банк фаолиятини тартибга солишнинг янада либераллашувидир. Натижада, банк молия фаолиятининг турлари – тижорат, воситачилик, инвестиция, суғурта ташкилотлари ўртасидаги институционал фарқлар камайишига олиб келиб, бунда банклар бир вақтнинг ўзида молия бозорининг кўплаб сегментларида рақобатлашишларига олиб келмоқда. Бундан ташқари, йирик банклар мижозларни молиявий, инвестицион ва товар бозорлари билан боғлайдиган кучли ахборот тузилмаларини ташкил этиши натижасида ҳамда кенг кўламли консалтинг хизматларини тақдим этиши молия бозоридаги ихтисослашган консалтинг компанияларини бозордан сиқиб чиқармоқда.

Глобаллашув иқтисодий воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг мураккаблашув динамикасини тезлаштиради ва бунинг натижасида эса, фаолиятнинг янги йўналишлари пайдо бўлади ва янги молиявий-иқтисодий вазиятда воситачилик қилувчи банкларнинг маҳсулот ва хизматларига объектив эҳтиёж туғилади. Шундан келиб чиқиб, инновацион ривожланиш глобаллашган молиявий маконда тижорат банкларининг рақобатбардош устунлигига эришишнинг энг асосий омилига айланади. Шу сабабли янги мижоз жалб қилиш учун рақобатда ғалаба қозинишнинг асосий йўналиши бу банк сектори маҳсулот ва хизматлари ҳажмидаги технологик инновациялар бўлиб, уни янгиларини яратиш ва мавжуд банк маҳсулот ва хизматларини такомиллаштириш, шунингдек, замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳисобланади. Шундай экан, инновацион ривожланиш глобаллашган молиявий маконда тижорат банкларининг рақобатбардош устунликка эришишининг энг асосий сабабларидан бирига айланади. Шунинг учун ҳам потенциал мижозни жалб қилишнинг асосий йўналиши бу банк сектори маҳсулот ва хизматлари ассортиментидаги технологик инновациялар бўлиб, уни янгиларини яратиш ва мавжуд банк хизматларини такомиллаштириш, шунингдек, замонавий технологиялардан фойдаланиш деб тушуниш лозим. Ахборот технологиялари ва технологик инновациялар ёрдамида банк хизматлари самарадорлиги ва рақобатбардошлилиги ошади.

Бундай ҳолатларда, банк инновацияларининг энг муҳим жиҳати шундаки, глобаллашув ва янги ахборот технологиялари – тижорат банкларини банкдан ташқари молиявий воситачиларнинг кенг доираси билан рақобатлашишига олиб келади, бу эса ўз навбатида банклардан доимий равишда янгилик яратишга, мижозларнинг ўсиб бораётган талаб ва истакларини қондиришга қодир бўлган янги банк хизматларини жорий этишга ундайди. Хусусан, улар қуйидагилардан иборат: микромолиялаш, фючерс бозорининг инновацион молиявий воситалари, шу жумладан, молиявий фючерслар, опционлар, валюта бозори воситалари, жисмоний шахсларнинг технологик такомиллаштирилган нақд пулсиз ҳисобкитоблари, молиявий рискларни ҳимоя қилиш воситалари, пул маблағларини бошқариш, шунингдек, янги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бошқа бир қатор банк маҳсулот ва хизматлари.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ташқи рақобат муҳити, шунингдек, иқтисодий жараёнларни рақамлаштирилишининг глобал миқёси иқтисодиётнинг барча тармоқлари, шу жумладан молиявий соҳалар мавжудлигининг моддий асосларини тубдан ўзгартирди. Шу билан бирга, бугунги кунда молиявий бозорларни электрон ва интернет технологиялари асосида глобал технологик қайта жиҳозлашнинг ижобий натижаси рақобатнинг кучайиши, банк хизматлари сифатини ошириш, уларни диверсификация қилиш ва хизматлар ҳажмини сезиларли даражада ошириш имкониятларини кенгайтириш тенденцияси кечмоқда.

Банк инновацияларини такомиллаштиришнинг **иккинчи муҳим вектори** – истеъмолчига банк хизматларини кўрсатишнинг энг янги усуллари ва маркетинг стратегиялари билан боғлиқ бўлиб, бунда глобаллашув ва ахборот технологиялари, юқорида эътироф этганимиздек, тижорат банкларини нобанк молия институтлари билан рақобатлашишга мажбур қилади. Шу нуқтаи назардан, онлайн технологиялардан фаол фойдаланиш бозор муносабатларининг шаффофлигини таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, мижозларга кўп куч ва вақт сарфламасдан, энг мақбул банк хизматлари таклифларини танлаш имконини беради,

бу эса ўз навбатида, нархларни белгилаш имкониятларини сезиларли даражада қисқартиради. Илгари фақат тижорат банклари ҳукмронлик қилган тармоқларда, яъни тўлов соҳасида, бугунги кунга келиб ўз хизматларини фаол такли қилувчи молия бозорининг нобанк институтлари кескин рақобат олиб боришмоқда. Телекоммуникация компаниялари, инвестиция фондлари ва молиявий компаниялар бозордаги истеъмолчиларга тобора кўпроқ анъанавий банк хизматларини таклиф қилмоқдалар, бу эса банкларни интернет-банкнинг асосланган онлайн технологиялар кўламини кенгайтириш орқали тегишли жавоб беришига ундамоқда. Шу сабабли банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар тубдан янги босқичга кўтарилмоқда, бу эса ўз навбатида, банкларнинг депозит, кредит ва хисобкитоб операцияларини амалга оширишда фақат анъанавий молиявий воситачи сифатидаги ролини аста-секинлик билан пасайишига олиб келади. Тижорат банклари кенг кўламли консалтинг хизматларини кўрсатувчи, бозор ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этувчи, ўз мижозларини молиявий, инвестиция, валюта ва товар бозорлари билан боғлайдиган ахборот каналларининг ташкилотчиси сифатидаги аҳамияти уларнинг консалтинг хизматлари билан шуғулланмоқчи эканлигини англатади ва бу орқали мижозларнинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратилишига замин яратади.

Янги ахборот технологиялари, алоқа воситалари ва юқори технологияли ускуналарнинг фаол жорий этилиши натижасида, ахборотнинг янада тез ва сифатли узатилишини таъминламоқда. Шунингдек, бу жаҳон иқтисодиёти даражасида молиявий оқимларни янада самарали бошқариш имконини бермоқда, бу эса, банклар фаолиятида ижобий натижага олиб келмоқда. Мунтазам такомиллашиб бораётган ахборот технологиялари банк секторида жорий қилиш учун янги имкониятларни очмоқда. Бугунги кунга келиб, ахборот технологиялари банк секторида туб таркибий ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи кучга айланиб, вақт ва маконни том маънода енгиб ўтиш имконини бермоқда. Банклар учун ҳар қандай географик ўзоқдаги молия бозорларига 24/7 режимда кириш имконияти очиб берилмоқда ва бу ўз навбатида мижозлар учун вақт ва жойлашувдан қатъий назар, банк хизматларидан тўсиқсиз фойдаланиш имконини беради.

Бундай хизмат масофавий банк хизмати бўлиб, банк операцияларини амалга ошириш учун банк филиалида жисмонан қатнашишни талаб этмайдиган технологиядир. Бу мижознинг пул маблағлари билан унинг масофавий буюртмалари асосида тўловларни ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишни ўз ичига олади. Булар маълум техник воситалар, жумладан телефон (теле-банкнинг), Интернет (интернет-банкнинг), шунингдек портатив қурилмалар (мобил-банкнинг) ёрдамида банк серверига турли хил кириш каналларидир.

Банк сектори инновацион ривожланишининг **учинчи асосий вектори** бу – тижорат банкларининг ташкилий тузилмаларини оптималлаштириш йўлида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, унинг бундай шароитда ўз бизнес моделини яратишда технологик ёндашувларни ўзгартиришга бўлган юқори эҳтиёжларга мослашиш қобилиятини акс эттириб, юқори технологияларга асосланган турли хил молиявий хизматларни тақдим этиш билан боғлиқ бўлган молиявий бозор ва унда мавжуд рақобат муҳити муаммоларига максимал даражада жавоб бера оладиган усул ҳисобланади. Ушбу вектор банк инновацияларининг бутун парадигмасидаги жиддий ўзгаришларни акс эттиради. Агар илгари банклар ўз эътиборларини асосан молиявий

бозорда вақтинчалик рақобатбардош устунликни таъминловчи маҳсулот инновацияларига қаратган бўлса, ҳозирги кунга келиб, асосий эътибор молиявий кўрсаткичларни сезиларли даражада ошириш имконини берувчи бизнес моделлардаги инновацияларга қаратмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, замонавий молия бозорининг имманент хусусияти унинг халқаро ахборот маконига интеграциялашувига айланди, бунинг натижасида эса, жаҳон бозорлари ва рақамли технологияларни компютерлаштириш ва ахборотлаштириш банк бизнеси ва иқтисодиётдаги инқилобий ўзгаришларга ёрдам берди. Қизиғи шундаки, ахборот технологияларининг ривожланиши бутун дунёда анъанавий банк хизматларини кўрсатиш шартлари ва банклар фаолиятини ташкил этишда туб ўзгаришларнинг фаоллашишига хизмат қилди. Шу сабабли, тобора кўпроқ банклар интернетдан фойдаланган ҳолда ҳисобларни бошқаришга ўтмоқда, бу деярли бутунлай ўзга молия бозорларининг мавжуд ландшафти ва тижорат банкларининг оператив фаолиятини ташкил этишга имкон беради. Кўпгина ривожланган мамлакатларда классик филиал моделидан масофавий банк хизматларини кўрсатиш моделига ўтмоқдалар ва мижозлар томонидан банкга бормасдан туриб, банк операцияларини амалга оширомоқдалар. Бундай тенденциялар муносабати билан банк соҳасидаги бизнес модел тобора кўпроқ оғирлик марказини масофавий банк хизматларига ўтказишга асосланган бўлиб, мавжуд чакана савдо тармоғининг функциялари аста-секин камайиб бормоқда ва банк филиаллари мижозларга ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш мақсадида тобора кўпроқ ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш марказларига айланмоқда. Дунёнинг етакчи ривожланган мамлакатлари тўлиқ автоматлаштирилган банк филиалларини очмоқда. Бу махсус банк ускуналари билан жиҳозланган хона бўлиб, у ерда мижоз ўз ҳисобварақлари (жорий, омонат, карта) билан мустақил равишда ишлаши мумкин, хусусан: коммунал хизматлар ва бошқа тўловларни тўлаш, банкоматлар ёрдамида нақд пул ечиш ёки тўлдириш, нақд пулсиз ҳисобкитобларни амалга ошириш, валюта конвертацияси, депозит очиш, инвестиция портфелини шакллантириш ва бошқалар. Банк тизими фаолиятидаги бундай инновацион ўзгаришларнинг мижоз учун аҳамияти шундан иборатки, улар мижоз банк операцияларни амалга ошириши мумкин бўлган вақт ва макон доирасини кенгайтиради, бунинг натижасида банкларнинг ишлаш графиги йўқолади ва мижозлар сервердан 24 соатгача тушлик, дам олиш ва байрам кунлари танаффуссиз ишлайди. Шунингдек, банк мижозининг ҳақиқатда ўз ҳисобрақамлари билан мустақил иш олиб бориши иқтисодий самарасиз оператив ва касса ишларида банд бўлган ходимлар иш ҳажмини банкнинг ўзида қайта тақсимланишини англатади. Тақсимланиш натижасида, кредит, траст, консалтинг ва бошқа турдаги банк хизматлари билан шуғулланувчи ходимларнинг юқори самара билан ишлаши таъминланади. Охир оқибат эса, харажатларни тежаш туфайли бундай банклар янада қулай фоиз ставкалари ва хизмат кўрсатиш шартларини таклиф этишлари мумкин. Шу билан бирга, нисбатан кичик инвестициялар ва камроқ ходимлар сони билан банклар катта ҳудудлар ва мижозлар гуруҳларига хизмат кўрсатиш учун анча кенг имкониятларга эга бўлишади. Бундай шароитда банкларни бошқаришнинг моҳияти ўзгаради, чунки, ташкилий-иқтисодий янгилекларнинг жорий этилиши ҳужжатлар айланишини ташкил этишда, банкларнинг таркибий бўлинмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларда, уларнинг ходимларини шакллантиришни оптималлаштиришда ўзгаришларга сабаб бўлади.

Шундай қилиб, тижорат банкларининг ташкилий тузилмаларидаги инновацион ўзгаришлар ҳақиқатда бозорда банклар фаолиятининг бизнес моделини шакллантириш ва мижозларга масофавий хизмат кўрсатишнинг принципиал янгича ёндашувларининг пайдо бўлишига олиб келади. Хусусан, улар қуйидаги ёндашувлардир: 1) мижозга унинг жойлашган жойидан қатъий назар, пул маблағларини бошқариш имкониятини тақдим этишни ўз ичига олган банк тизими фаолиятининг узлуксизлиги; 2) фойдаланиш каналларининг кўплиги, бу банкларнинг мижозларга хизматлар кўрсатиш ва банкдан маълумот олишнинг турли каналларини тақдим этиш қобилиятини англатади; 3) инновацион тизимларни жорий этиш ва хизмат кўрсатиш шартларини ўзгартириш билан боғлиқ банк нарх сиёсатининг мижозлар учун мақбуллигини назарда тутувчи умумий имкониятлар; 4) интерактивлик, яъни банкнинг ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш режимида операцияларни амалга ошириш имкониятлари. Ушбу ёндашувларни амалга ошириш инновацион асосда банк фаолиятининг шартларига максимал даражада мос келишини таъминлаш мақсадида банкларнинг ташкилий тузилмаларини ўзгартиришнинг яхлит стратегиясини акс эттиради.

Хулоса ва таклифлар

Ҳозирги шароитда банклар ўз стратегиясини шакллантиришда ривожланишнинг инновацион векторини уларнинг фаолияти барқарорлиги, иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг энг муҳим воситаси сифатида кўриб чиқишлари лозим. Чунки, банк фаолиятининг самарадорлиги унинг имкониятларига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Бундай янгиликларни амалга ошириш натижасида банкнинг мижозлар базасини кенгайтириш, унинг филиаллар тармоғи ва ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, молия бозори улушини ошириш, банк операцияларини амалга ошириш учун транзакция харажатларини камайтириш, шунингдек узоқ муддатли истиқболда банк фаолияти барқарорлигини таъминлашга имкон беради.

Банк инновациялари умуман олганда бизнес жараён бўлиб, уларнинг ривожланиши замонавий шароитда учта асосий йўналиш бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Хусусан:

1. Инновацион банк маҳсулотларини яратиш ва жорий этиш ҳамда мавжуд банк хизматларини такомиллаштириш;
2. Банк маҳсулотларини мижозларга илгари суришнинг янги замонавий технологияларини шакллантириш;
3. Банк фаолиятини ташкилий ва ахборот технологиялари билан таъминлашни такомиллаштириш.

Юқорида қайд этиб ўтилган йўналишларда банк инновацияларининг иқтисодий қиймати рентабелликнинг ўсиши, бизнес кўламининг кенгайиши ва капитални яна қайта инвестиция қилиш имкониятлари билан белгиланади. Бугунги кунда молия бозорида рақобат кучайиб бораётган бир вақтда, банк инновациялари, биринчи навбатда, янги мижозларни жалб қилиш ва мавжудларини сақлаб қолиш, шунингдек, банк хизматлари кўламини кенгайтириш ва уларни тегишли истеъмолчиларга етказиб бериш технологияларини такомиллаштиришга қаратилган бўлади. Бу шуни англатадики, банклар рақобатбардош устунликларини йўқотмаслик учун ўз фаолияти ва хизматларини доимий равишда такомиллаштириб боришлари, ўзгарувчан ташқи муҳитга мослашувчан муносабатда бўлиш имконини берадиган ва шу жумладан, банк

фаолияти сифатини, харажатларини назорат қилиш ва самарали бўлишини таъминлайдиган янада илғор бошқарув тузилмаларини жорий этишлари лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар

1. Galbraith J. K. The new industrial state. – Princeton University Press, 2007. – Т. 9.
2. Друкер П. Бизнес и инновации / пер. с англ. Москва: ИД “Вильямс”, 2009. 432 с.
3. Skinner C. The future of banking: In a globalised world. – John Wiley & Sons, 2007.
4. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия / пер. с англ. Москва: Эксмо, 2007. 864 с.
5. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент: учеб. пособие для вузов. СПб.: Питер, 2001. 303 с.
6. Васильева Т.А. Банківське інвестування на ринку інновацій: монографія. Суми : СумДУ, 2007. 522 с.
7. Лаврушин О. И. Банковское дело. Экспресс-курс. – 2012.
8. Вахрушев Д.С., Кальсина Е.А. Влияние глобализационных процессов на инновационность банковской деятельности и факторы инновационных изменений в банковской системе России. Интернет-журнал “НАУКОВЕДЕНИЕ”. 2013. Вып. 6, ноябрь – декабрь [URL:https://naukovedenie.ru/](https://naukovedenie.ru/).
9. Виноградова Е.П. Влияние глобализации на инновационное развитие в банковском секторе. URL : <https://www.econ.msu.ru/>
10. Прохоров К.Н. Инновации в банковской сфере. Проблемы учета и финансов. 2014. № 4. С. 55–58.
11. Закшевский В.Г., Пашута А.О. Теоретические аспекты развития инновационных банковских продуктов на современном этапе. Вестник Воронежского государственного аграрного университета. 2015. № 3. С. 214–220.
12. Тангишов М. Инновацион банк маҳсулотлари: банклар учун энг долзарб масала. //Бизнес-эксперт, 2015. №6(90).
13. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. Т: Iqtisod-moliya, 2017. 535-540 б. Sanicola L. “What is FinTech?”. Huffington Post. Retrieved 20 August 2017 – 2017
14. Гулямова А.Л. Банк тизимининг рақамли трансформацияси жараёнида рақамли экотизим. //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №2, апрель, 2021. – 5-б
15. Меликов О.М. Рақамли банк технологиялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўллари. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №4, июл-август, 2021. – 12-б.
16. Ходжимамедов, А. (2022). Банк тизимини рақамлаштириш шароитида банк инновацияларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 10(3), 1–8. https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a2
17. Ходжимамедов, А. (2022). Банк тизими мисолида иқтисодиётни рақамлаштириш масалалари: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a10. Iqtisodiyot Va ta’lim, 23(3), 66–71. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/507>